Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.), «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.), «Совет Ўзбекистони» (1964—1991й.), «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиққан.

● № 30 (21. 149) 1992 йил 12 февраль, чоршанба ● Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯ ОРГАНЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИНИ ВА НАРХ БЕЛГИЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Келишилган ягона молия, солиқ ва нарх сиёсатини амалга ошириш, республика иқтисодиётининг молиявий соғломлашувини таъминлаш, бозор муносабатлари шаклланиши шароитида нарх-навони тартибга солишнинг иқтисодий усуллари аҳамиятини кучайтириш мақсадида:

1. Республика ҳудудида нархларга доир давлат сиёсатини ўтказиш вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигига топширилиб, унинг аппараты Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар комитетининг аппарати билан бирлаштирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг 1-банди талабларига мувофиқ ҳудудий бўлинмалар ва нарх бўлимлари марказий аппаратини молия органлари билан бирлаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига:

республика ҳудудида ягона молия, солиқ ва нарх сиёсатини шакллантириш ҳамда ўтказиш, бозор иқтисоднётига ўтиш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг барқарор молиявий негизини вужудга келтириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

молияни ва нарх белгилашни бошқариш тизимини такомиллаштиришга, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтиришга, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишнинг молиявий жиҳатларига оид таклифларни ишлаб чиқиш;

валюта-молия сиёсатининг асосий қоидаларини, республиканинг валюта бойликларини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

узоқ муддатли молиявий меъёрлар ва нормативлар асосида республика бюджетини тузиш ва ижро этиш, йиғма молиявий балансни ишлаб чиқиш;

нархлар ва тарифларни иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш чораларини амалга ошириш, уларни эркинлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказиш вазифаси юклансин.

4. СССР Давлат нархлар комитетига қарашли Нарх белгилаш илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё бўлими Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигига бўйсундирилиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Молия ва нарх илмий-тадқиқот институтига айлантирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тузилмаси тўғрисида қарор қабул қилиши ва вазирлик ҳақидаги низомни тасдиқлаши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ва республика референдумига тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасига биноан корхоналар ва ташкилотлар томонидан сайлов кампанияси жамғармасига пул маблағларини ихтиёрий равишда ўтказиш учун махсус банк варақаси очган эди. Шу жамғармага тушган маблағлар зарурятга қараб, сайловни ва референдумни ўтказиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларга ишлатилди. Сайлов кампанияси жамғармасига «Тошкент» биржаси ва Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети, айниқса, кўп пул бадали топширган эди.

Сайлов тугаганлиги муносабати билан ва шу ҳисоб варақасида қолган тежалган ихтиёрий бадалларни ҳисобга олиб, Марказий сайлов комиссияси ҳайрия мақсадлари учун 3,4 миллион сўм топширишга ва бу пулни

қуйидаги вазирликлар ва идоралар ҳисобига ўтказишга қарор қилди:

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига — болалар касалхоналари, сил касалликлари санаторийлари учун;

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига — болалар уйлари ва интернат мактаблар учун;

— республика Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига — моддий ёрдамга муҳтож бўлган партия, уруш ва меҳнат фахрийлари учун;

— республика Афғонистон фахрийлари уюшмасига — муҳтож афғончи ногиронлар учун, ҳалок бўлган ва дом-дараксиз йўқолган жангчиларнинг оилалари учун;

— республика Меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармасига — ночор фуқаролар, кўп болали оналар, кекса ёлғиз фуқаролар ва ногиронлар учун.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ



● Вобкент район маҳаллий саноат комбинатига қарашли тўқув цехи жамовси қисқа муддатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир неча турини ўзлаштириб олди.

Янги цехда 50 нафар хотин-қиз ишлайди. Яқин вақт ичида қўшимча дастгоҳлар ўрнатилгач, яна ўнлаб кишиларни доимий иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Т. Исломова ва Н. Султоновалар гиламдўзлик билан шуғулланишади. 2. Тайёр маҳсулотлар. 3. М. Наимова ва Ш. Адизовалар эса хонатлас тўқишади.

Суратказ: В. МОЛГАЧЕВ.

Диққат: янги рукн

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми олдидан

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлади. Унда партия таъсис қурултойи қарорлари бажарилишининг бориши ва партия тузилмаларининг ташкилий шакланиши масалалари, Ўзбекистон ХДПнинг норматив-методик ҳужжатлари, партиянинг 1992 йилги бюджети тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама қилинади. Марказий Кенгаш пленуми Ўзбекистон ХДП ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири. Унда партиянинг таъсис қурултойидан сўнг ўтган қисқа даврда амалга оширилган ишларнинг дастлабки якуни чиқарилади, ғоя тажрибалар ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликлар чуқур таҳлил этилиб, тегишли хулоса ясалади. Пленум ташкилий-партиявий ишлар боришининг ўзига хос кўригидир.

Мана шу муносабат билан рўзномамиз янги — «ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ IV ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН» деган рукн очмоқда. Бугун ушбу рукн остида берилаётган дастлабки мақолани иккинчи саҳифада эълон қилаётирмиз.

МЕҲР-МУРУВВАТ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ

● Избоскан районида меҳнат жамоалари вакилларининг, уруш ва меҳнат фахрийларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ва район Кенгашларининг, меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик вилоят жамғармасининг, уйғур миллий-маданий марказининг ташаббуси билан ўтказилди.

Йиғилишда биринчи март кунини Меҳр-мурувват куни деб эълон қилишга қарор берилди. Ўз-ўзидан маълумки, бунинг учун маблағ керак. Йиғилиш қатнашчиларининг ўзлари камбағалларга ёрдам кўрсатиш юзасидан режалаштирилган тадбирлар учун пул йиғишда ташаббускор бўлдилар. «Ўзбекистон» колхозида истиқомат қилаётган А. Ўлмасов Меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармасига шахсий жамғармасидан минг сўм, район чорвачилик бирлашмасининг директори Г. Сирожиддинов 5 минг сўм, Пойтуғ шаҳар Кенгашининг раиси Ф. Зокиров 200 сўм пул ўтказдилар. Район матлубот жамияти ва маҳаллий пахта заводи, Н. Жўраев номли колхоз, Пойтуғ пиллакашлик фабрикаси жамоалари ва бошқалар ҳам жамғармага анча пул бердилар.

Йиғилиш қатнашчилари вилоят барча аҳолисига Мурожаатнома қабул қилдилар. Улар бу Мурожаатномада аҳолини 1992 йилни Меҳр-мурувват йили, деб эълон қилишга чақирганлар.

(ЎзА мухбири).
Андижон вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ ЭРКИН ТУРСУНОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Эркин Турсунов Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Б. МАҲМУДОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Ботир Маҳмудов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 11 февраль.

Лимонзор боғлар академиги

Республикамизда таниқли халқ селекционери, бутун дунёга машҳур лимон навлари ижодкори Зайниддин ота Фаҳриддинов таваллудининг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Республикамиз пойтахтида шу санага бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокими С. Д. Сайдалиев Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг юбиляр номига йўллаган табрикномасини ўқиб берди.

Ўзбекистон лимончилиги дейилар экан, ҳурмат билан Сизнинг номингизни тилга оламиз, — дейилади Президент табрикномасида.—Мингминглаб оилалар дастурхонининг серфайз бўлишида Сизнинг катта ҳиссангиз бор. Ана шу ҳалол, сербарака меҳнатингиз боис Сиз ҳақли равишда фахрий академик мартабасига кўтарилдингиз.

Уста боғбонни унинг ёру биродарлари, ҳамкасблари, кўпдан-кўп шогирдлари муборакбод этдилар ва хайрли ишида унга катта муваффақиятлар тиладилар.

Кечада Президент маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этди.

(ЎзА).

• Танишинг: Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бош директори Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Мурод Муҳаммад Дўст Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг бош директори этиб тайинланди.



Мурод Муҳаммад Дўст 1949 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунунининг фалсафа факультетида, Москвадаги М. Горький номли Адабиёт илмгоҳида ўқиди. Сўнгра «Ўзбекфильм» киностудиясида сценарийчи, «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудири ва муҳаррир ўринбосари, «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири бўлди. Республика Президенти матбуот хизматида ишлади. Езувчи, қатор ҳикоя, қисса, ва «Лолазор» романининг муаллифидир.

— Ўзбекистон фақат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдангина эмас, балки ахборот томонидан ҳам марказга қарам эди, — деди М. Муҳаммад Дўст, — Дунё Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса билмасди. Билганлар ҳам бир мустамлака деб қарашарди. Энди СССР йўқ. ТАСС йўқ. Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Шундай бўлгач, ахборот хизмати ҳам мустақил бўлиши керак.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги дунё халқлари учун холис ва ҳаққоний хабарлар тарқатишга даъват этилган. Ўрта Осиё давлатлари ўртасида ахборот халқаси тузишга, собиқ Иттифоқнинг эндиликда мустақилликка эришган давлатлари билан, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасида мухбирлар айрибошлашга эришиш керак. Ижодий жамоамиз Ўзбекистон мустақиллиги белгилаб берган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини халқлар ўртасида тотувлик, дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратади.

Ф. Шоҳ ИСМОИЛ.

Эшитмадим деманглар

ТУРКИЯ МАДАДИ

● Анқарадаги Эсонбўға тайёрагоҳида тантанали маросим бўлди. Маросим Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида (МДҲ) қатнашувчи мамлакатга одамийлик ёрдамининг дастлабки туркумини жўнатишга бағишланди. Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл маросимда ҳозир бўлди.

Америкада ишлаб чиқарилган «С—141» маркали иккита самолёт Боку ва Ашхободга ёрдам мададини элтиб беради. Жўнатилган маҳсулотлар орасида озиқ-овқат, дори-дармон ва тиббиёт ускуналари бор.

Маълум бўлишича юк ташувчи самолётлар МДҲнинг бошқа республикаларига ҳам мунтазам қатнай бошлайди.

Яна бир янгилик. Уни Анадўлу ахборот бошқармаси маълум қилади: бир неча ҳафта мобайнида Туркия орқали Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистонга одамийлик ёрдами юбориб турилади.

ТАШКИЛОТНИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ

● Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг янги аъзолари тўғрисида қарор қабул қилинди.

Маълумки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Туркия, Эрон ва Покистон мамлакатлари киради. Ташкилот аъзолари — мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг шу йил 5-6 февраль куни мажлиси бўлиб ўтди. Маълум бўлишича, Озарбайжон, Ўзбекистон ва Туркманистон ушбу ташкилотга аъзо бўлишади. Уч мамлакатнинг ташкилотга кириш тўғрисидаги шартнома матни шу йилнинг 1 июнига қадар тайёрланади.

ҚУМИТА РАИСИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Архив ишлари бўйича қўмита раиси Рудольф Пихой Россия ҳукумати матбуот марказида журналистларга кутилмаган хабарни маълум қилди.

В. И. Ленининг фаолияти билан боғлиқ бўлган илгари эълон қилинмаган мақолалар тўплами яқин бир-икки йил ичида нашрдан чиқарилади.

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

● Токио ўтган ойда Россия Узоқ Шарқи аҳолисига 50 миллион доллар — 6,5 миллиард иена миқдорида беғараз инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишни ваъда қилган эди. Ёрдам юкларининг дастлабки туркуми Владивостокка жўнатилди.

Японияннинг Ниигата портидан жўнатилган юклар орасида қуюлтирилган сут, шакар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар бор.

ҚОБУЛДА УЧРАШУВ

● Афғонистон пойтахтига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистондаги шахсий вакили Бенон Севан келди. У Афғонистон республикаси бош вазири Ф. Холиқёр ва ташқи ишлар вазири А. Бакир билан учрашди.

Бахтар агентлигининг хабарига кўра суҳбат чоғида Б. Севан ўзи ўтказган учрашувлар ҳақида афғон томонига ахборот берган.

РЎЗНОМАНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

● Японияда чиқадиган «Санкэй Симбун» рўзномаси 10—12 март куни Парижда бўладиган мажлис ҳақида хабарни босиб чиқарди. Аммо ахборот манбаи кўрсатилмади.

Маълум бўлишича, шу кунлари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти фан-техника комиссиясининг ҳукумат аъзолари иштирокида мажлиси бўлади. Мажлис қатнашчилари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шарқий Европа мамлакатларига Ғарб томонидан бериладиган технология ёрдам масаласини муҳокама қиладилар.

(Марказий рўзномалар ва ахборот агентликларининг хабарлари асосида тайёрланди).

Янгиликлар. Воқеалар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

Бўлажак пленум муносабати билан ХДП Марказий Кенгаши аъзолари ва аппарати ходимларидан бир гуруҳи республиканинг барча вилоятларида бўлиб вилоят, шаҳар, район партия кенгашлари, бошланғич ташкилотларда партия аъзолари, фаоллар, партиясиз кишилар, жойлардаги партия ишчи аппарати ходимлари билан учрашдилар, уларнинг ХДП ва унинг жамиятда тутган ўрни, олиб бораётган ишлари тўғрисидаги фикрларини, маслаҳат ва истакларини ўргандилар.

ТАШКИЛИЙ ДАВРДАН — АМАЛИЙ ИШГА

Учрашувларда, барча даражадаги партия кенгашларининг ишларини ўрганиш жараёнида ҳозирги қийин ва мураккаб шароитларда партияни оёққа турғизиш, халқ орасида унинг мақсадини, партиянинг Низоми ва Дастурини кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш борасида анчагина ишлар бажарилаётганлиги маълум бўлди. Айниқса партияга қабул соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, шу йилнинг 1 январига қадар собиқ Ўзбекистон Компартияси аъзоларидан 271 мингдан кўпроқ киши Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб, қайта рўйхатдан ўтди, 81 мингдан ортиқ киши эса сафимизга янгидан кирди. Ўзбекистон Президенти умумхалқ сайловида қатнашган аҳолининг 86 фоиз қисми партиямиз раиси И. А. Каримовга овоз бердилар.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, партиянинг ташкилий шаклланиши даврида ютуқлар билан бирга бир қатор камчилик ва хатоларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бунга энг аввало партиянинг норматив-методик ҳужжаатлари шу пайтгача қабул қилиниб жойларга етказиб берилмаганлиги сабаб бўляпти. Шу туфайли жойларда тушунмовчиликлар, саволлар пайдо бўляпти. Айрим ишларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилмоқда, юқоридан кўрсатма кутиб ўтириш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Вилоят, шаҳар, район партия ташкилотларида Марказий Кенгаш бўлим мудирлари, ходимларининг матбуотда чиқиб, ҳозирги вазият ва ҳар бир бўлим бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борасида йўл-йўриқлар кўрсатиш тўғрисида илтимос қилмоқдалар. Шу сабабли ушбу мақолада Марказий Кенгашга берилаётган айрим саволларга жавоб беришга ва ҳозирги ташкилий даврдаги ишлар ҳақида баъзи фикрларни айтишга қарор қилдик.

Ҳозир партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифа собиқ Компартия аъзоларининг Халқ демократик партиясига қайта рўйхатдан ўтишидир. Юқорида қайд этилганидек, 1992 йилнинг 1 январига қадар 660423 нафар Компартия аъзоларидан 271333 нафари ХДП аъзоси бўлди. Бу 41,1 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич Хоразм вилоятида 64, Қашқадарёда 62,8, Жиззахда 59,8, Сирдарё вилоятида 55, Сурхондарёда 51,9, Қорақалпоғистон республикасида 51,2 фоизни ташкил этди. Лекин Тошкент шаҳри, Андижон, Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятлари партия ташкилотлари бу йўналишда оқсаб қолмоқдалар. Жойларда шу иш билан жуда суст шуғулланишаяпти. Гарчи бошланғич партия ташкилотларида бир хил гапни — «Ҳамма билан суҳбатлашганликларини» таъкидласаларда, шаҳар ва район кенгашлари, қуйи бўғинлар котибларида қилинаётган ишларнинг аниқ якуни йўқ. Бундай сусткашлик сабабларидан бири қайта рўйхатдан ўтказишни тугатиш вақти белгиланмаганлиги бўлаётир. Шуни ҳисобга олиб ХДП Марказий Кенгаши бўлажак пленумида қайта рўйхатга олишни тугатиш бўйича аниқ бир вақтни белгилаш кўзда тутилмоқда. Лекин шунга қарамай ҳар бир бошланғич партия ташкилотида алоҳида суҳбатлар ўтказилиб, қайта рўйхатдан ўтадиганлар партияга қабул қилиниши ёки ўтишни ҳоҳламаганларнинг сабаби аниқланиши, бу иш якунлари ижроия бюро ёки пленумларда кўриб чиқилмоғи лозим. Бу ишни тугатиб бутун кучни партия аъзолари билан ишлашга ва партияга янги аъзолар жалб қилишга қаратилиши керак.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, собиқ Компартия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар айниқса собиқ коммунист бўлган депутатлар орасида яхши олиб борилмаяпти. Масалан, депутатлар билан ишлаш жиҳатдан энг яхши партия ташкилотларидан бири ҳисоблансада, Қашқадарё вилояти бўйича 8 та район, 68 та шаҳар, 14 та вилоят кенгашларининг ноиблари ва бир Ўзбекистон Олий Кенгаши ноиби ХДПга қайта рўйхатдан ўтмаган. Бошқа вилоятлардаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Халқ ноиблари билан ишлашга, уларни ўз томонимизга оғдириб олишга ҳаракат қилишимиз, шунингдек партиясиз халқ ноибларининг ишончини қозонишимиз лозим. Парламент йўли билан ишлашни мақсад қилиб қўйган партия фаолиятида ноиблар билан ишлаш алоҳида ўрин эгалламоғи зарур.

Район ва шаҳарлардаги бошланғич партия ташкилотларида бўлаётган суҳбатларда кўпинча «Партияга албатта ҳамма ўтиши шартми?» ёки «Олдин суҳбатлашган эдик, яна суҳбатлашиш керакмикан?» — деган саволлар ҳам эшитиляпти. Шу ўринда биз албатта суҳбатлашиш лозим, деб жавоб берамиз. Чунки ҳозир барча ХДП район ва шаҳар Кенгашлари партия аъзосининг муваққат гувоҳномаларини олди. Шу пайтгача ХДПга рўйхатдан ўтиш учун ариза берган кишиларда ҳам, ариза бермаганларда ҳам ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Бундан кейин эса партия ҳужжатини олмаганлар ўз-ўзидан партиямиздан ажрайди. Бу эса ўз навбатида кишилардан бу масалага чуқурроқ ўйлаб ёндашишни талаб қилади. Лекин бу гаплардан собиқ коммунистларнинг барчасини ХДПга мажбуран ёки ялиниб ўтказилади, деган хулоса чиқариш хато бўлади. Партияга ҳар бир инсон ўз қалб амри билан, виждонига қулоқ солиб кириши керак. Компартия давлат ишларини бошқариб, кадрлар масаласини ҳал қилиб турган кезларда мансаб ва амал учун партияга кирганлар кўп бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозир улар юзларидаги ниқобни олиб ташлаб, аслида ким бўлганликларини аниқ кўрсатмоқдалар. Халқ демократик партияси энди оёққа тураётган бир пайтда бундай кишилардан батамом ҳоли бўлгани яхши. Лекин айни пайтда софдил собиқ коммунистларга, ишчи ва деҳқонларга, ёшларга партиямизнинг Дастури ва Низомидан келиб чиқадиган мақсадларни чуқур ва атрофлича тушунтиришимиз керак. Жумладан, ХДП аъзолари ҳамда партиямиз иши билан қизиқадиган кишилар шундан воқиф бўлишлари ҳам лозимки, Ўзбекистон ХДПнинг Дастури ва Низоми ўзбек ва рус тилларида алоҳида китобча ҳолида босиб чиқарилди ва барча вилоятларга жўнатилди.

1992 йилнинг бошига келиб Ўзбекистон ХДП аъзолари сони жами 352556 нафарга етди. Шунинг 23 фоизи партияга янги қабул қилинганлардир. Бу борада Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари партия ташкилотлари сезиларли иш қилмоқдалар. Аммо шу билан бирга ХДПга янги аъзолар қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Жойларда партиянинг янги аъзолари билан ишлаш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маълумки, ХДП янги ташкил топган даврда жуда кўп партиясиз кишилар ўз тақдирларини партия тақдири билан боғлаш мақсадида ариза берган эдилар. Уларнинг аризаси бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ҳам кўрилмай партияга қабул қилиндилар. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, уларни ҳеч ким шаҳар ёки район партия кенгашига чақириб, бир оғиз сўз билан бўлса ҳам табрикламаган, ҳозирча уларда партия ҳужжатлари ҳам йўқ. Шу сабабли бу кишилар ўзларини партия аъзоси сифатида ҳис қилмаётирлар. Мана шуларни ҳисобга олиб, гарчи кеч бўлса ҳам партия сафига янги ўтган кишиларни шаҳар, район кенгашларига таклиф қилиб, уларни партия ижроия бюроси аъзолари билан таништириш, табриклаш, партиямиз учун энг оғир кезларда унинг сафида бўлиб ёрдам беришга бел боғлаганликлари учун миннатдорчилик билдириш ишга фақат ёрдам беради. Иш бу муваққат гувоҳномаларни топшириш пайтида бажарилса айниқса яхши самара бериши мумкин. Булардан ташқари, ҳозир шаҳар ва районларда янги партия аъзолари мактаблари ташкил этиш, уларда партия Дастури ва Низомини ўрганиш бўйича ўқув-семинарлар олиб боришнинг айни пайти.

Республика партия ташкилоти ҳозир 11378 та бошланғич ташкилотга эга. Бир қатор шаҳар ва район кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида семинар-йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бундай тадбирларнинг барча шаҳар ва район кенгашларида ўтишини таъминлаш ва уларнинг доимий бўлиб қолишига эришмоқ керак.

Гарчи бошланғич партия ташкилотларини тузиш асосан тугаган бўлсада жойларда ҳудудий партия ташкилотлари тузиш, партиядан ҳоли қилинган ташкилотлардаги партия аъзоларини ҳисобга олиш масалаларида кўпгина чалкашликлар ва тушунмовчиликлар ҳам рўй бериб турибди. Кўп жойларда партиядан ҳоли қилинган ташкилотлардаги партия аъзоларининг ҳисоб карточкаларини бошқа ташкилотлар ҳисобига қўшиб қўйиш билан чекланиб қўя қолмоқдалар. Шу тариқа ҳудудий партия ташкилотлари амалда эмас, балки қоғоздагина пайдо бўлаяпти. Партия аъзоларининг эса бундан хабарлари йўқ. Ушбу ташкилотларда партия аъзолари иштирокида ташкилий партия йиғилишлари ўтказилмаган, котиблар ҳам сайланмаган. Қайта рўйхатдан ўтказиш, бошланғич ташкилотларнинг ташкилий шаклланиши, партия аъзоларини ҳисобга олишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар эса партия ички ишларига, интизом масаласига салбий таъсир кўрсатмоқда, партия аъзолик бадалларини тўлаш ишларининг сусайиб кетишига олиб келди. Айниқса партиядан ҳоли этилган вазирликлар ва республика миқёсидаги ташкилотлар, идораларда мана шундай аҳвол кўпроқ содир бўляпти. Эндиликда бундай камчиликлар билан муроса қилиб бўлмайди. Ҳамма кучни шу соҳадаги нуқсонларни тугатишга, аҳволни ўнглаб олишга қаратиш лозим.

Ўзбекистон ХДП таъсис қурултойининг партияга аъзо бўлган халқ ноибларидан зудлик билан партия гуруҳлари тузишга киришиш тўғрисидаги кўрсатмаси вилоят, шаҳар ва район кенгашларида кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган эди. Шундан бери гарчи анча вақт ўтган бўлса ҳам партия гуруҳларини тузиш баъзи шаҳар ва районларда поёнига етказилмади. Айниқса қишлоқ кенгашларининг аксарият қисмида партия гуруҳлари тузиш кечиктирилмоқда. Вазифа шуки ҳамма жойда бу ишни охирига етказиш ва таъсис қурултойи қарорининг тўла бажарилишига эришиш, халқ ноиблари партия гуруҳларининг тўлиқ куч билан ишлашини, улар орқали энг зарур масалаларни муваффақиятли ҳал қилишни таъминлаш лозим.

Айрим партия ташкилотлари, вилоят, шаҳар ва район кенгашлари бўшаб қолган округларда фаоллик билан партия аъзоларидан депутатликка номзодлар кўрсатмоқдалар, ўзининг етук ходимларини раҳбарлик лавозимларига тавсия қилмоқдалар, ҳар бир ўрин учун ҳалол кураш олиб бормоқдалар. Бу парламент типидаги партиянинг иш усули ва услубларидир. Бироқ, ХДП аъзолари партиямизнинг кўппартиялилик даврида, очиқ курашда ғолиб чиққан партия эканлигини, Республика Президенти партияси эканлигини халигача чуқур ҳис қилаётганлари йўқ. Бу эса янада самарали иш олиб боришга халақит беряпти.

Партия ишида дуч келинаётган камчиликларнинг яна бир сабаби сайлаб қўйилган фаоллар имкониятидан унумли фойдалана олинмаётганлигидадир. Шу нарса ачинарлики, кўп жойларда вилоят, район ва шаҳар кенгаши аъзолари ҳеч қандай комиссияларга ёки фойдали фаолият кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ишларга жалб қилинмаган. Бундай аҳвол тез вақт ичида тузатилиши ва зарур бўлса улар учун семинарлар ташкил қилиниб, методик ёрдам кўрсатиш керак.

Тўғри, партиямизда янги, ташкилий ишлар давом этяпти. Мана шундай даврда турли хил қийинчиликлар, камчиликларимиз бўлиши табиий, албатта. Лекин давр зудлик билан партия аъзоларига, фаолларга суяниб ишни яхшилаб олишни, дадил оёққа туришни, кучли партияга айланишни талаб қиляпти. Фақат шундай партиягина халқ ишончини қозониб ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг турмушини енгиллаштира олади, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида чарчамай хизмат қила олади.

Б. КАЗБЕКОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия ички ишлари бўлимининг масъул ташкилотчиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми партия ҳаётида муҳим воқеа. Ҳозир барча партия кенгашлари ва партия қуйи ташкилотларида ўтган қисқа давр ичида амалга оширилган ишлар атрофлича ва чуқур таҳлил этилиб, ижобий жиҳатлар билан бирга йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам аниқланяпти, ана шу нуқсонларни тугатиш учун тегишли тадбирлар белгиланмоқда. Шу билан бирга партия ишида дуч келинаётган муаммолар ва уларни изчил ҳал этишнинг йўл-йўриқлари ҳам ўрганилаётир. Кун тартибидаги энг муҳим масалалар, жумладан, ХДП кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ва партия қуйи бўғинлари жанговарлигини, ташаббускорлигини, партия аъзоларининг жамоадаги намунавийлиги, фаоллиги ва ишчанлигини ошириш, уларнинг кундалик ҳаётдаги ўрни ва ролини кучайтириш, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодини кўтариш, аҳоли турмушини енгиллаштириш борасида партиянинг мавқеини оширишдан иборатдир. Биз ана шуларни назарда тутиб, ҳурматли муштарийлардан, партия ходимлари ва фаолларидан партия ташкилотларининг мазкур йўналишдаги фаолияти ҳақида, унинг мавқеи, роли, обрўсини ошириш юзасидан қилинган ва қилинаётган ишлар тўғрисида ёзиб юборишни сўраймиз. Шу хусусда аниқ таклиф, фикр ва мулоҳазалар билан рўзномамиз саҳифаларида қатнашишга таклиф этамиз.

Наманган районидаги «Наманган» давлат хўжалиги деҳқонлари кўкламга қизғин ҳозирлик кўришяпти. Улар барча техника воситаларини шайлаб қўйишди.

Суратда: бўлим бошлиғи Шамсиддин Шарофиддинов ва бош муҳандис Акбарали Раҳмонов созловчи Маҳмуджон Умаров билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ТАШАББУСКОР ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

● Тошкентда 10 февраль куни ташкил этилажак инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комитети ташаббускор гуруҳининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Мажлисни республика тарихий ва маданий ёдгорликларини асраш жамиятининг раиси Н. Муҳиддинов очди.

Ҳуқуқшунос олим, Тошкент юридик илмгоҳининг ректори А. Аъзамхўжаев янги комитетнинг ҳуқуқ ва вазифалари тўғрисида сўзлади. Мустақил республикамиз катта сиёсий воқеа — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш арафасида турибди, — деди у. Бу эса мустақил давлатимизнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комитети ташкил этилишини тақозо қилади. Комитет БМТга кўмакчи, унинг қарорларини амалга оширувчи жамоат ташкилоти бўлади.

Комитетнинг таъсис конференциясини 12 февралда чақиришга қарор қилинди.

ТАЪСИС АНЖУМАНИ

● Ўзбекистон маданият жамғармаси ҳомийлигида республика Экстрасенслар уюшмасининг таъсис конференцияси ўтказилди.

Унда экстрасенсология магистри, фалсафа фанлари номзоди, доцент Яҳё Шермуҳамедов президент этиб сайланди.

Ассоциацияннинг иқтисодий негизи ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга энг аввало даволаш марказлари ташкил этиш, чет эллар билан экстрасенслар алмашишга қаратилади. Айни пайтда Луқмони Ҳаким номли даволаш марказига ва илмий-услубий марказга танлов кетяпти. Янги йўналишдаги «Байнал сенс» марказига аъзо бўлган юқори малакали ва тажрибали бионур шифокорлари — экстрасенслар эса Албания, Греция, Булғория, Туркия, шунингдек Осиё ва Европа мамлакатларида муддатли ишлаш учун юборилади.

Ўзбекистон Экстрасенслар уюшмасига аъзо бўлиш истагидаги кишилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: 700000, Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, транспорт, табиат муҳофазаси ва ихтисослаштирилган прокуратураларнинг республика прокуратураси бўлимлари ва бўлинмаларининг раҳбарлари қатнашдилар. Ўтган йилги иш якунлари ва Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги шароитида республика прокуратура идоралари фаолият даражасини ошириш вазифалари кўриб чиқилди.

МАЪРУЗАДА ва нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, прокуратура ва унинг идоралари иши ўтган йили жамиятимиз турмушидаги туб ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда, жиноятчилик ҳолатида қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни бузишлар билан боғлиқ кескин муҳитда ўтди, ўтиш даври шароитида ҳуқуқий муассасалар ва қонуний таъминотнинг етарли равишда ривожланмаганлиги сезилиб турди.

Собиқ Иттифоқ ҳудудининг ҳамма жойларида бўлгани каби республикада ҳам ҳозирча танглик ҳолатлари бартараф этилгани йўқ, дейишди нотиқлар. Кўпгина хўжалик алоқалари барбод бўлди, фонд орқали ажратиладиган моллар билан савдо қилиш дуруст йўлга қўйилмади, моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари асло етишмаслиги ҳамма жойда сезилиб турибди. Бу эса «пинҳона бозор», қаллобларнинг ғайриқонуний фаолиятини кучайтирмоқда, чайқовчилик учун қулай муҳит яратмоқда. Фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ҳам дуруст таъминланмади, кўча жиноятлари — босқинчиликлар, талончиликлар, ҳар хил безорилик кўринишлари кўпайди, шахс ва жамоат мол-мулкини ўғирлаш кенг тус олди.

Республикада ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бир қанча қонунлар қабул этилганлиги маълум. Ўзбекистон Президентининг аҳоли турли гуруҳлари учун, шу жумладан, кўп болали оилалар, ногиронлар ва пенсионерлар, талабалар ва ўқувчилар учун, ижарачилар ва фермерлар учун қўшимча ҳуқуқлар ва имтиёзлар белгилаб берадиган фармонлари эълон қилинди. Шунга қарамай, эзгу ният билан қилинган мана шулар кўпинча тўраларча бепарволик ва ижро этмаслик, бюрократизм, баъзан эса пинҳона ва ошкора ғаламислик гирдобида ғарқ бўлиб кетди. Сўзга чиққан нотиқлар шу фикрни исботловчи бир талай мисолларни айтиб беришди.

Республика Прокуратураси мана шу салбий ҳодисаларга қарши курашишга интилди. Қонунларнинг бажарилиши юзасидан салкам 1700 та текшириш ўтказилди, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан прокурор чораси сифатида йигирма мингтадан кўпроқ ҳужжат тақдим этилди, бу тадбирлар ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишга, фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклашга, айбдорларни жазолашга кўмаклашди. Фуқароларнинг, давлат ва жамоат корхоналари ҳамда ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун прокурорлар тақдим этган даъволар юзасидан судлар ўн миллион сўмдан кўпроқ маблағни айбдорлардан ундириб олди.

Бир қанча уюшган жиноятчи гуруҳлар, газандаларнинг тўдалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамжиҳатликда фош этилди ва тугатилди, мазкур гуруҳ ва тўдалар узоқ вақт мобайнида, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари аҳолисига жабр-зулм қилиб келган эди. Жиноятчилардан юзлаб отиш қуроли, кўп миқдорда ўқ-дори тортиб олинди. Жуда кўп ўғирланган буюмлар топилиб, қонуний эгаларига қайтарилди.

Тергов ишлари савияси ошганлиги, жиноятнинг олдини олиш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб қилинган ишлар туфайли Тошкент шаҳрида, Тошкент, Сирдарё вилоятларида бултур қайд этилган жиноятларнинг умумий миқдори олдинги йилга нисбатан камайганлиги, ўнта вилоятда оғир жиноятлар, жумладан, қотиллик, зўрлаш, талончилик, ашаддий безорилик кўринишлари озайганлиги ҳайъат мажлисида таъкидлаб ўтилди. Айни вақтда судлар томонидан қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юбориладиган жиноий ишлар миқдори камайди. Жиноий ва фуқаро судловидаги назорат фаолроқ амалга оширилди, судлардаги давлат айблови савияси кўтарилди.

Нотиқлар республикада прокурорлик фаолиятининг бошқа баъзи соҳалардаги ижобий силжишларни таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга бу ишнинг умумий даражаси Ўзбекистон ҳақиқий мустақилликка эришган, собиқ Иттифоқ прокуратураси тугатилган шароитда энди республика прокуратураси идораларининг зиммасига юклатилаётган юксак вазифаларга монанд эмаслиги маърузада ва кўпгина нутқларда таъкидланди.

Бир қанча вилоятларда назорат фаолияти жуда бўшашиб кетди. Жиноятларнинг ҳаммаси ҳам фош этилаётгани йўқ. Савдо-сотиқдаги ишларнинг кўнгилдагидек эмаслиги ҳақида алоҳида гапирилди. Бу соҳада истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига камситувчи ҳуқуқбузарликлар кўпинча жазосиз қолмоқда.

Балоғатга етмаган ёшларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлиги олдини олиш соҳасидаги ишда катта камчиликлар борлиги, шунинг натижасида болалар ва ўспиринлар жиноятчилиги ошиб бораётганлиги, улар катта ёшдагиларнинг жиноий тўдаларига бориб қўшилаётганлиги таъкидланди. Жойлардаги прокуратура идоралари амалдаги қонунларни, Президентнинг фармонлари ва ҳукуматнинг фармойишларини ижро этишни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ишлар етарлича изчиллик билан амалга оширмаяптилар. Ижтимоий таъминот, уй-жой идораларига, коммунал ва бошқа маҳкамаларга мурожаат этаётган кишилар ҳали ҳам кўпинча ўринсиз қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Муҳокама қатнашчиларининг айтишларича, прокуратура идоралари ишидаги камчиликлар ва хатолар кўп жиҳатдан шунинг оқибатида рўй бермоқдаки, кадрлар сиёсатида илгари йўл қўйилган нуқсонлар ҳали ҳам тўла-тўкис тугатилган эмас. Прокурорлар ва тергговчиларнинг малакасини ошириш соҳасидаги иш муносиб даражада олиб борилмаяпти. Кадрлар билан ишлашда субъективизм ҳолатлари таг-томири билан тугатилган эмас, бу эса иш манфаатларига салбий таъсир қилмоқда, ходимларнинг бир қисмида ишончсизлик кайфиятини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг прокурори Б. М. Мустафоев ўзининг якунловчи нутқида муҳокамани якунлади.

Ҳайъат қабул этган қарорда республикадаги прокурорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг аниқ-равшан йўллари муфассал белгиланди.

(ЎзА).

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бухорода вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари аҳолини озиқ-овқат ва бошқа моллар билан таъминлашга, вилоят истеъмол бозорини 1992 йилда барқарорлаштиришга оид қўшимча тадбирларга алоқадор масалаларни кўриб чиқдилар.

Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, аҳолининг истиқомат жойларида барқарорлик вазиятини таъминлаш мақсадида кенг миқёсда тушунтириш ишларини авж олдириш режаси белгиланди. Нарх-навога эрк бериш даврида озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг, шаҳар ва районлардаги аҳоли барча табақаларини шу моллар билан бир меъёрда таъминлашнинг ички имкониятларини аниқлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш зарурлиги долзарб масала бўлиб қолганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Бухоро вилоятининг ҳокими Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

(ЎзА).

• Ўз маҳсулотларимизга ўзимиз хўжайин

ТОШКЕНТДА ЯРМАРКА

Халқимиз дастурхонини мева-сабзавот, узум, картошка, полиз маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Президентимиз И. А. Каримов Фармони билан Ўзбекистон мева-сабзавотчилик ва виночилик саноати давлат кооператив концерни тузилган эди. Ўтган вақт ичида муайян ишлар қилинди. Концернга тегишли хўжаликларда 4,9 миллион тоннага яқин сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштирилди. Республика тайёрлов ташкилотлари томонидан 3,7 миллион тонна маҳсулот қабул қилиб олинди.

Шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан Россия ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига 495 минг тонна сабзавот, жумладан 210 минг тонна эртаки карам, 163 минг тонна пиёз, 109 минг тонна помидор ва бошқа маҳсулотлар жўнатилди. Бироқ Россия ва бошқа республикалар шартнома мажбуриятларини тўла бажаришмади. Кўп ҳолларда биз ўз маҳсулотимиз эвазига олишимиз керак бўлган нарсаларни вақтида ололмадик. Айниқса қурилиш материаллари, ёғоч, шифер, металл вақтида келтирилмади. Шу боис концерн мол айрибошлаш бўйича янги шерикларни қидириб топишга қарор қилди. Тошкентдаги спорт саройида очилган ярмарка кўп жиҳатдан ана шу масалани ҳал қилишга хизмат қилади.

Хўш, ярмарка ўтказишдан асосий мақсад нима? Бу ҳақда Ўзбекистон мева-сабзавотчилик ва виночилик саноати давлат кооперативи концерни раиси А. ТОШКЕНБОЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш улгуржи ярмаркаси — анъанавий тадбир, ҳар йили ўтказиладиган анжуман. Аввалги йиллари бунақа ярмарка Москвада ўтказилар эди. Бизнинг хўжаликларимиз, корхона ва ташкилотларимиз кўп вақт сарф этиб, Москвага бориб, шартномалар тузиш билан овора бўларди.

Жумҳуриятимиз мустақил давлат бўлди. Ўз режаларимизни ўзимиз белгилайдиган бўлдик. Қолаверса, ўз уйимизда, ўз юртимизда маҳсулот сотишимиз ҳар томонлама қулай.

Энди сотиладиган маҳсулотимиздан мақсадга мувофиқ, оқилона фойдаланишимиз керак.

Албатта, биринчи навбатда республикамиз халқининг мева-сабзавот маҳсулотига бўлган талабини тўла қондиришимиз зарур. Ундан ташқари консерва, мева-сабзавот қуритадиган ва вино заводларимиз қувватларидан тўла фойдаланиш учун уларнинг хом ашёга бўлган талабини тўла қондиришимиз керак.

Ўз эҳтиёжимиздан ортиб қолган маҳсулотларнигина республикадан чиқариб сотишимиз мумкин. Аввалларги эса марказ биздан ўзинг есанг ҳам, емасанг ҳам умумиттифоқ фондига маҳсулотни биринчи навбатда юборасан деб талаб қиларди.

Энди маҳсулот сотганда қуруқ пулга эмас, бизда етишмаётган нарсаларга алмаштирамиз. Маҳсулотимиз эса эркин нархда, томонларнинг ўзаро шартномаси асосида белгиланади. Бунда маҳсулот тайёрлашга кетган сарф-харажатлар, солиқлар ҳам ўз аксини топади. Ёқутистон, Сахалин, Магадан, Қўрғон вилоятлари билан қилаётган ҳамкорлигимиз бунга мисолдир.

Ваҳолонки, бугунги кунда авваллари мавжуд бўлган, яхши йўлга қўйилган иқтисодий алоқалар издан чиқиб кетди. Ва интизом бор, на жавобгарлик. Натижада Россиядан, Украина, Беларусдан ва бошқа минтақалардан олишимиз лозим бўлган моддий-техника ресурсларининг келиши ниҳоятда оғирлашиб кетди.

Ҳозирги кунда бизда ҳар хил турдаги идишлар етишмайди. Спирт, шакар, полиэтилен плёнкаси кескин камайиб кетди. Трактор, қишлоқ хўжалик машиналари баҳоси осмонда. Ёқилғи-мойлаш ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш ниҳоятда қийинлашди.

Бунинг устига Россия, Украина, Беларусда ва бошқа минтақаларда қачон қарасангиз ҳар хил тўсиқлар ўйлаб топилган, ҳеч кимга керак бўлмаган кўрсатмалар пайдо бўлмоқда.

Бир кун қарасангиз, нархнавони кўтаришади, яна бир кун қарасангиз, келаётган нарсаларнинг йўлини тўсиб қўйишади. Албатта, бундай аҳвол хўжаликларимиз, корхоналаримиз ва ташкилотларимизга ишига салбий таъсир этмоқда. Қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ана шундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида республикамиз ҳукумати бошқа республикалар билан 1992 йилда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида шартномалар тузиб олди.

Бу шартномаларда жумҳуриятимиздан олиб чиқиб кетиладиган ва олиб келиниши лозим бўлган товар балланси тузилган. Ана шу балансда мева-сабзавот маҳсулотларини ва улардан ишлаб чиқилган тайёр маҳсулотларни сотиш кўзда тутилган.

Ярмаркамизнинг асосий вазифаси шундан иборатки, ана шу ҳукуматлараро келишувларда кўзда тутилган ҳажмлардаги маҳсулотларни сотувчи ва харид қилувчи хўжаликлар, корхоналар ҳамда ташкилотлар бир-бирлари билан юридик кучга эга бўлган шартномаларни тузиб оладилар.

Энг муҳими шартномаларни биз, албатта мол айрбошлаш асосида тузамиз, сотадиган маҳсулотларимизнинг аксариятини озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса кар тошкага, спиртга, шакарга, ҳар хил идишларга, металл, қувур, ёғоч-тахта ва бошқа қурилиш материалларига алмаштирамиз. Нарх-навога келганда — эркин баҳоларни қўллаймиз.

Бу баҳолар ҳамма сарф-харажатларнинг ўрнини қоплаши, хўжаликларни, корхоналарни ва ташкилотларимизнинг юқори самарадорлик даражасини таъминлаши керак.

Ярмарканинг самарали ўтиши учун ҳамма чораларни кўрдик. Ўйлаймизки, тузилган шартномалар катта иқтисодий фойда келтиради.

• ҚЎЛНИ БЕРИНГ, ЖАҲОНДАГИ ШЕРИКЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ ЯНГИ ТАРМОҒИ

АЙТИЛГАН МУДДАТДА ИШГА ТУШГАН КОРХОНА

ВЕНЕЦИЯДА КАСБ ЎРГАНГАН СИРДАРЕЛИК ҚИЗ-ЖУВОНЛАР

ТЕХНОЛОГИЯ ШЕРИКЛАРДАН, ФОЙДАСИ ЭСА ЎРТАДА

ТАРМОҚ БЕШИГИНИ ТЕБРАТАЁТГАНЛАР

Сирдарё вилоятидаги Оқолтин районида барпо этилган жинси кийимлар фабрикаси маҳсулот бера бошлади

Абдураззоқ Қаюмовнинг Оқолтин районига ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ярим йилча райижроқўмга раис бўлди. Деярли бир ярим йилдан буён район Кенгашига раҳбарлик қилмоқда. Лекин ўзи асли чўл ўғлони. Чўл осмони остида ўлғайди, камолга етди, кўп нарсаларни ўрганди, ҳаётнинг паст-баландини кўрди. Айни қирчиллама қирқ ёшида қўриқ Сирдарё вилоятидаги энг йирик, серташвиш районларнинг бирига раҳбарлик қилишдек катта ишончга сазовор бўлди.

Унинг ютуғи шундаки, олдинги раҳбарлар сингари фақат қишлоқ хўжалигига берилиб кетмади. районнинг қурилиши, саноат соҳасидаги истиқболларини ҳам кўрабилди. Пахта, чорва ва ғаллага қандай эътибор берган бўлса, саноат соҳасига улардан ҳам кўра теранроқ назар ташлади. Унинг фикрича, қишлоқ шароитига мос келадиган, арзонга тушадиган ва тезда самара берадиган корхона қуриш лозим эди.

Шу орада Абдураззоқ Қаюмовни «Тошкент-Коттон» қўшма корхонаси бош директори Муродбек Рустамбеков билан учрашувга даъват этди. Район Кенгашининг раиси билан бош директорнинг фикрлари бир жойдан чиққач, дарҳол амалий ишга киришилди.

Фабрика учун жой Сардоба қўрғонидан топилди. 13-ҳунар-техника билим юрти ёнидаги ташландиқ ер танлаб олинди. Бу жой истиқбол нуқтаи назаридан ҳам, ҳозирги кун манфаатлари жиҳатидан ҳам қулай эди.

Райондаги Ғулом Чўйбеков раҳбарлик қилаётган 43-механизациялашган кўчма колонна одамлари долзарб пайтда ўзини кўрсата олди. Бунёдкорлик ишларини қисқа фурсатларда олиб бориш билан ишонч қозонди. Янги фабрика қурилишида бутун район ташкилотлари, вилоятдаги нуфузли идоралар ва ташкилотлар ҳам фаол қатнашдилар. Оқолтинликларнинг ҳайрли ишларида мададкор бўлдилар.

Раҳматилла Нормуродов — Ўзбекистон ХДП район Кенгашининг биринчи котиби, қурилиш бошлангандан то унинг охиригача қурилиш штабини бошқарганлардан бири. Унинг таъкидлашича, бу ерда ҳамма нарса олдиндан режалаштирилган тартибда амалга ошди. Айтилган кунда фабрика биносининг корпуси қад кўтарди. Белгиланган фурсатда италиялик мутахассислар ўз юртларидан олиб келган ускуналар, машиналар ва керакли механизмларни монтаж қилишга киришдилар. Яна бир факт эътиборли: қурилаётган фабрика директори Ҳайитбой Султонов 17 нафар тикувчи қиз-жувонларни Венеция яқинидаги Верона шаҳрига ўқишга олиб кетди. У ерда икки ҳафта мобайнида иш ўрганиб, тажриба орттириб қайтдилар. Ва, ниҳоят, олдиндан белгиланган кун — 21 декабрда фабриканинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Шу куни бу ерга кўплаб меҳмонлар келишди. Улар орасида Италиядаги «Коррера» хусусий фирмаси президенти синьор Имерио Таккела жаноблари ҳам бор эди. Буни қарангки, эндиликда оққўнгиллик билан тан олишларича ҳатто фирма президенти ҳам бизларнинг шароитимизда шу қадар қисқа муддатларда фабрика қуриш мумкинлигига ишонмаган экан.

Ҳақиқатдан ажойиб иш бўлди. Ҳозирча бу ерда 150 иш ўрни бор. Фабрикадаги созлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, тўла қувват билан ишлай бошлагач, шу йил март ойидан бошлаб эса икки сменали иш жорий этилади. 300 тикувчини ўз бағрига оладиган мана шу корхона бор-йўғи икки яримуч ойлик давр мобайнида қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Уни барпо этишга 2,5 миллион сўм сарфланди. У тўла қувват билан ишлай бошлагач, кунига 2,5 минг дона эркаклар жинси (замонавий газлама) шими тикиб чиқара бошлайди. Бу ҳозирги тақчиллик шароитида ҳақиқатан ажойиб воқеа.

Ишбилармонларнинг қўшма корхонаси шундай юзага келди ва бир ойдирки, эркаклар учун пахта толасидан тўқилган жинси шимлари тикилмоқда. Энди у қўриқ воҳада ўзига хос — фахрланса арзийдиган янги саноат тармоғи вужудга кела бошлаганидан нишона.

ЧЕВАР ҚИЗЛАР ҚУВОНЧИ

Корхонани бунёд этишдан кўзланаётган биринчи мақсад — ҳозирги шароитда халқ истеъмоли молларига бўлган тақчилликни камайтириш бўлса, иккинчидан қишлоқ жойларда яшаётган хотин-қизларни иш билан таъминлашдан иборат. Масалага шу томондан қараганда фабрика чеварлари билан олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ.

Янги корхонага эпчил, уддабурон кадрларни жалб этиш, чет элда чиқарилган замонавий машиналарда ишлаб кетадиган тикувчиларни тайёрлаш, уларга иш ўргатиш лозим эди. Шу мақсадда райондаги тикув устахоналарида ишлаётган қиз-жувонлар ўртасида танлов ўтказилди. Дилфуза Норбоева ана шундай пайтда эътиборга тушди. У дастлаб Гулистон шаҳридаги олти ойлик ўқув-ишлаб чиқариш курсини битирган. Кейинги тўрт йилда «Фарғона» давлат хўжалиги марказидаги маиший хизмат комбинатида ишламоқда эди.

— Бир гуруҳ дугоналар, опа-сингиллар қаторида мен ҳам Италияда бўлиб қайтдим. У ерда иш ўргандик, — дейди Дилфуза Норбоева. — Бизлар, айниқса Павло деган аёлни яхши эслаб қолдик. У жуда меҳрибон аёл экан. Замонавий техникада ишлаш сирларини бизга эринмай ўргатди. Янги фабрика шарофати билан дунёни кўрдик. Турли одамлар, уларнинг ишлари, ҳаётлари билан танишдик. Ўз турмушимизни, эртанги кунимизни қиёсладик...

Италиядаги бош корхонада оқолтинлик қиз-жувонлар иш ўрганиб қайтди. Улар орасида бригадир Зуҳра Эргашева, тикувчи қизлардан Мелихол Шоимова, Нигора Норматова ҳам бор эди. Ҳозир улар янги корхона ишини йўлга қўйишда ўзига хос таянч кучлар вазифасини ўтамоқдалар. Ўз билим ва тажрибаларини фабрикага келган дугоналарига эринмай ўргатмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлар туфайли оддий ўзбек қиз-жувонлари эндиликда енгил саноатнинг янги тармоғи бешигини тебратмоқдалар.

Яна бир суҳбатдошимиз Галина Ли бўлди. У цех бошлиғи, бошқача айтганда, унинг вазифасини технолог ҳам дейишмоқда. Янги корхонада бор-йўғи тўрттагина раҳбар ходим бор. Булар — директор, бош бухгалтер, директор ўринбосари ва тўрт нафар тикувчилар бригадири. Бошқа «амалдор» кўзда тутилмаган. Галина Ли тутган йўлнинг эътиборли бир томони бор. Ҳаёт ўзгармоқда. Фойдасиз идоралар, турли штатлар қисқармоқда. Табиийки, шундай пайтларда ишсиз қолаётганлар ҳам оз эмас. Ўз ҳаётини бир умр идора ишлари билан боғлаган, эндиликда эса жисмоний ишдан чўчиб, ишлаб чиқариш деса капалаги учадиганлар ҳам талайгина.

Суҳбатдошимиз ўн беш йил Оқолтин район партия комитетида сектор мудири бўлиб ишлаганини таъкидлади. Энди бўлса, шароит тақозосига кўра, ҳеч иккиланмай бевосита ишлаб чиқаришга ўтди.

— Асли касбингиз педагог экан, шунча йил идорада ўтиргандан сўнг бу ердаги ишлар оғирлик қилмаяптими? — сўрадик Галина Лидан.

— Ўн беш йилдан бери ўз касбимда ишламаётган бўлсам, энди менинг педагоглигим қолдими? — деди суҳбатдошимиз ва давом этди. — Ёшлигимдан тикувчилик касбини севардим. Шунча йиллар мобайнида бу машғулотимни сира ташламаган эдим. Тўғри қилган эканман. Ҳозирги шароитда бу ҳунарим қўл келмоқда. Мен ҳам фабрика қизлари билан Италияда бўлиб қайтдим. Иш ўргандим. Фабрикамизнинг янги шаклланаётган жамоасида ўндан ортиқ миллат вакиллари бор. Лекин уларнинг асосий қисми, яъни 95 фоиздан ортиғи маҳаллий миллат вакилларидан иборат. Бу ҳол ҳаммамизни қувонтиради. Мен улар билан тез тил топиша оламан, бир-биримизга ёрдам қилиб ишлаётирмиз. Тез орада ишларимиз юришиб кетади, деб ўйлайман.

СЕНЬОР ЖУЗЕППЕНИНГ УМИДБАХШ СЎЗЛАРИ

Фабрика қурилиши бошланибдики, бу ердан италиялик мутахассисларнинг оёқлари узилгани йўқ. Ишларнинг хусусияти ва салмоғига қараб улар гоҳ кўпайиб қоладилар, гоҳ уч-тўрт кишигина қолишади. Мутахассислар орасида, табиийки, кўпни кўрган тажрибали одамлар ҳам ҳаёт йўлини яқинда бошлаган, аммо иқтидори ўткир ёшлар ҳам бор.

Механик Жузеппе Беттега ана шуларнинг бири. У «Оқолтин» фабрикасида иш олиб бораётган механикларга раҳбарлик қилмоқда. Айтишича, деярли 20 йилдирки, ўз касбини қадрлаб келади. Умрини шу иши, фирмасига бағишлаган. Раҳбарлари уни қадрлайдилар, фирмаси шаҳобчасидаги энг муҳим ва зарур жойларга юборадилар. Жузеппе уч йил мобайнида фирманинг Покистондаги фабрикасида иш олиб борди. Бир йил Марокашда бўлди, бошқа ердаги фабрикаларни оёққа турғазишда ёрдамлашган. Хуллас, у бош корхонанинг ишонган ва суянган мутахассисларидан бири.

Жузеппе айтдики, Покистонда тикувчи қиз-жувонлар маълум тайёргарлик билан ишга келадилар Лекин шундай бўлсада, уларни фирма машиналарида бемалол ишлашга ўргатиш учун ўрта ҳисобда уч ой вақт сарфланади. Сирдарё вилоятининг Оқолтин районидан иш ўргангани борган қиз-жувонларни уларга қиёслайдиган бўлсак, тайёргарлиги йўқ ҳисоби. Бироқ кўриқлик қизлар деярли бир ойда зарур программани ўзлаштириб олмоқдалар. Ўта замонавий, анчагина мураккаб техника-ускуналар ва машиналарни бемалол бошқармоқдалар. Чет эллик шерик корхона мутахассисининг фикрича, бу ҳол италияликларда катта ишонч туйғуларини уйғотмоқда. Корхонага, бу ерга ишга келаётган қиз-жувонлар, маҳоратига тукувчи ва бошқа мутахассисларнинг келажагига катта умид туғдирмоқда. Бир сўз билан айтганда, италиялик ишбилармонлар бу ер билан алоқа боғлаб хато қилмаганликларидан мамнун бўлмоқдалар.

Жузеппенинг фикрича, Италиядаги бош корхона раҳбарлари камида беш-олти йил, балки ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида бу ер билан алоқани узишмайди. Зарур бўлган барча ёрдамларини кўрсатишади. Фабрикада тикиб чиқариладиган маҳсулотни жаҳон бозори талаблари даражасига олиб чиқиш тарафдори. Яна улар доимий харидорларга эга бўлишни исташяпти. Қолаверса, бу — уларнинг асосий мақсадлари.

РЕЖАЛАР ЯНАДА УЛУҒВОР

Ҳозирча фабриканинг иш юритиш жараёни оддийгина: райондаги пахта тозалаш заводларидан Италиядаги бош корхонага тола жўнатилади. У ерда хом ашё матога айлантирилади, бўялади ва газлама бичиқчилар қўлидан ўтади. Сўнгра ўша матолар «Оқолтин» фабрикасига олиб келинади, тикилади. Маҳсулот тайёр бўлгач, сотувга чиқарилади. Кўрилаётган фойда келишувга мувофиқ, ўртада тақсимланади.

Хўш, италиялик ҳамкорларимизнинг шерикчилик режалари қандай? Улар фақат бизларнинг толамиз, арзон меҳнатимизга ишқибоз-у бошқаси билан ишлари йўқми?

Бу саволга жавоб қуйидаги фактлардан келиб чиқади. Шу йилнинг февраль ойидаёқ ҳозирги фабриканинг ёнгинасида иккинчи корхона қурила бошлайди. Узоғи билан бир йилда ишга туширилади. 2-корхона ҳисобланган бу фабриканинг вазифаси — толадан ип йигириш ва мато тайёрлаш. Келаси йили учинчи, кейин тўртинчи ва ниҳоят бешинчи фабрикалар қурилади. 1996 йилга бориб беш фабрика маҳсулот тайёрлайди. Бир ёқдан кирган хом ашё корхонанинг иккинчи томонидан тайёр маҳсулот бўлиб чиқаверади. Оқолтинликларнинг ўзлари бу йирик комплекс хўжайини бўладилар.

Энг муҳими — ўзлари етиштираётган хом ашёдан ўзлари тайёр маҳсулот — бежирим кийим-бош тикиш, кийиш ва сотиш, унинг фойдасидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўладилар.

Ўша вақтга бориб бу ердаги комплексда камида 1200 киши меҳнат қиладиган бўлади.

Яна бир эътиборли мулоҳаза: фабрика директори Ҳайитбой Фармоновнинг айтишича, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳақининг 20 фоизини валюта ҳисобида тўлаш мўлжалланмоқда. Жаҳон бозорида эътибор топиш учун эса имкониятлар бор. Жумладан, ҳозир фабрикага ўрнатилган 63 та тикув машиналари ўта замонавий. Улар мутлақо товуш чиқармайди. Қийқим, чанг, узилган ип толасини «сездирмаган» ҳолда махсус идишча ўзига сўриб олади. Лекин, энг муҳими — ҳар бир тикув агрегати билан камида 35 хил операция бажариш мумкин. Бу — катта харажат қилмай туриб, чиқарилаётган маҳсулот турларини тезда ўзгартириш мумкин, дегани. Бозор муносабатларига ўтилаётган шароитда бу маъқул вазият.

Фабрикада ҳозирча жинсидан эркаклар шими тикиб чиқарилмоқда.

Дарвоқе, 1996 йилга қадар фабрика ишчилари учун замонавий ошхона, болалар боғчаси, магазин, уй-жой бинолари, мактаб, соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишлари ҳам бир вақтнинг ўзида олиб борилади.

Оқолтин районидаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ва режалаштирилаётган тадбирлар ана шундай. Қани энди вилоятнинг бошқа районлари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам шундай ишбилармон, омилкорлар кўпайса! Бу — айни муддао бўлар эди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЙҒУР ФАОЛЛАРИ ҲИССАСИ

• *Давр ва миллий қадриятлар*

Миллий мустақиллик ўзлигимизни таниш, миллатнинг маънавияти — маданиятининг равнақини таъминлашдир. Чунки маънавий қашшоқликдан чиқмасдан туриб, моддий қашшоқликдан чиқиш мумкин эмаслигини эндиликда ҳамма англаб олмоқда.

Миллий маданиятимизнинг ривожида республикамизда 50 дан ортиқ миллий маданият марказларининг таркиб топиши муҳим аҳамият касб этди.

Андижон вилоятимизда Уйғур, Корейс ва Қирғиз маданий марказлари ташкил топди. Ўрни келганда шуни айтиш зарурки, Уйғур байналмилал маданият марказининг таркиб топиши зироат, тижорат, знёрат ва маданий алоқаларнинг тикланишида алоҳида ўрин тутади. Чунки ўзбек ва уйғурларнинг келиб чиқиши, тили, дини, куйи, сози, удумларининг ўхшашлиги жиҳатидан қон-қардош, эгизак миллат дейиш мумкин. Демак ўзбек, уйғур маънавиятларини бир-биридан ажратиш асло мумкин эмас. Ҳатто тарихий битикларнинг исботига кўра машҳур Ипак йўли ҳам фикримизнинг далилидир.

Андижон вилояти Уйғур байналмилал маданият маркази халқимиз маънавиятини юксалтиришда баҳоли қудрат фаолият кўрсатмоқда. Марказимиз якка, оилавий ва жамоатчилик тартибида 5 минг аъзони бирлаштиради. Унинг фаоллари вилоятимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида қатнашмоқда.

Маданий марказ Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод вилоятлари, Сузоқ, Бозорқўрғон, Масси, Қорасув, Майлисой районлари билан узвий алоқа боғлаганлар. Вилоятимизнинг уйғурлар кўп яшайдиган районларида маданий марказнинг шуъбалари тузилган.

Пахтаобод, Қўқон қишлоқ районларидаги маданий марказ шўъбалари бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Уйғур қишлоғини ободонлаштиришда, мактаб-боғча ва бошқа ижтимоий масалаларнинг ҳал бўлишида уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Шуни айтиш керакки, уйғурлар Қўқонқишлоқда халқ шоири Зокиржон Ҳабибийнинг уй-музейини қуришда ҳам улуш қўшдилар. Райондаги уйғурлар ўқийдиган мактабларда уйғур тили ўқитиляпти ва район радиосида уйғур тилида эшиттиришлар ташкил этилди.

Маданий марказимиз қобилиятли мактаб ўқувчилари учун стипендия тайинлаган ва энг муҳими, 1991 йилда Тошкент дорилфунуни қошидаги шарқшунослик олийгоҳининг уйғур бўлимига 5 нафар уйғур фарзандларининг қабул қилинишидир.

Фаолларимиз ҳазрати Навоий юбилейини муносиб нишонладилар. Андижон, Пахтаобод, Олтинкўл районлари ва Андижон шаҳрида театрлаштирилган «Навоий даҳоси—ҳаёт қомуси» деган мавзуда мутахассис олимлар ва ижодий зиёлилар, диний арбоблар иштирокида навоийхонлик кечалари ўтказилди.

Истиқболда миллий маданиятни юксалтиришга қаратилган муҳим тадбирлар белгиланмоқда. Маданий марказ биносида доимий ҳаракатдаги навоийхонлик гулшани ташкил қилишга киришилди.

Ўзбек ва уйғур мақом, муқомлари ва шарқ адабиётининг мумтоз ёзилган лирикаси радио ва видео магнитофон тасмалари тайёрланмоқда. Маданият манзилгоҳимизда уйғур пазандалиги асосида ошхона ва чойхоналарни ишга туширишга киришилди ва бу ерда миллатлар дўстлиги хиёбонини ташкил этиш ниятидамиз.

Маданий марказимиз қошида «Қутадғу билиг» номида кичик корхоналарни бирлаштирувчи, маданият ашёлари, миллий совғалар, бадиий устахоналар, саёҳат маркази, бадиий ҳаваскорлик, уйғур ёғочсозлиги, пичоқчилиги, наққошлик, турк, араб, хитой тили тўгаракларини ташкил қилиш имкониятига эга бўлдик.

Марказимиз фаолларининг Ўзбекистон республикаси мустақиллиги референдуми, Президент сайловларидаги саъйи-ҳаракатлари ғоят самарали бўлди. Вилоятимиз барча сайлов участкаларида Президент ва Халқ демократик партияси дастуридаги асосий қоидаларни тарғиб қилишда фаол иштирок этишди. Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, марказ рўзномаларга, чунончи Олмаотада нашр этиладиган «Уйғур овози» рўзномасига жамоатчилик асосида обуна бўлиб, уларни фаоллар ўртасида тарқатяпти... Бу эса уйғур халқи миллий маънавиятини бойитишга хизмат қилувчи муҳим омилдир. Маданий марказимиз шу кунларда «Андижонлик уйғурлар» номли илмий-тарихий очерк тайёрламоқда. Ажойиб уламо — ҳамшаҳримиз Алихон Тўра юбилейига тайёргарлик кўрмоқда. Март ойида эса Андижонда уйғур миллий маданиятини байрамини нишонлаш ва унга Ўрта Осиё, Қозоғистон вакилларини таклиф қилиш мўлжалланяпти.

Уйғурларнинг туб макони Шинжондан ташриф буюрган вакиллар яхши кутиб олинди. Шинжонлик меҳмонлар бунинг учун уларга миннатдорчилик билдиришди. Олдимизда талай муаммолар ҳам мавжуд. Уларни ҳал этишда қўлимиз қисқалик қиляпти. Шунинг учун баъзи масалаларда Президент Маҳкамасининг ёрдамига муҳтожмиз. У ҳам бўлса: Андижон билан Қашқарни биродарлашган шаҳарларга айлантириш; Андижон-Қашқар ҳаво ва карвон йўлларини тиклашдир.

Маданий марказнинг Шинжон билан дўстона маданий илмий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Ростини айтганда, юқорида зикр этилган ишлар бугунги кун талабларига тўла жавоб бермайди. Аслини олганда маданий марказ Республикамиз ва Ўрта Осиё республикалари ҳудудидаги, айниқса Фарғона водийси уйғурлари билан маданий алоқаларни кенг йўлга қўйиши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, маданий марказ иш фаолиятини замона талаблари асосида ташкил этиш зарур. Республика Президенти Дастурида ва Халқ Демократик партиясининг Дастурида ҳам миллий сиёсатга алоҳида эътибор берилган. Шундай экан, бу хил миллий сиёсатнинг амалда рўёбга чиқиши учун ҳар биримиз сидқидилдан ҳисса қўшишимиз зарур. Чунки миллийлик — мустақиллигимизнинг муҳим зарурий шартидир.

Ҳасан—Охун МУҲАЕВ,
халқ депутатлари, Андижон вилоят Кенгаши ноиби, вилоят Уйғур маданияти маркази раиси.

• *Талабалар: интиёз, бурч ва масъулият*

ШУКРОНА

Ҳозир талабалар ҳақида сўйлаш одат тусига кирди. Президентимиз Ислом Каримов талабаларни ижтимоий ҳимоялаш, стипендияларини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида қарорлар қабул қилди. Фармонлар чиқарди. Талабалар оширилган стипендия билан таъминланди. Андижон Давлат муаллимлар илмгоҳида талабалар билан гурунглашганимизда бунинг жонли гувоҳи бўлдик.

— Мен қардош Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан келганман. Биринчи ётоқхонада яшайман, — деди илмгоҳ талабалар кенгашининг раиси Дилфуза Раимжонова. — филология куллиётининг тўртинчи курсида ўқийман. Аълочи талаба сифатида оширилган стипендия оламан. Аниқроғи, илгари овқат пулини қўшиб ҳисоблаганда, 180 сўм олар эдим. Янги йилдан стипендиям оширилиб, 330 сўмга етказилди. Бундан ташқари нарх-наво кўтарилиши муносабати билан 130 сўм бериладиган бўлди. Жами — 460 сўм оламан. Бу пул бир ойга бемалол етиб ортади. Кунимиз маъноли, мазмунли ўтяпти. Ҳаётдан нолимайман.

Ётоқхонамизда радио ишламай қолди. Ректоримиз Акмал Қосимов номига талабнома ёздик. У киши дарҳол аҳволни ўрганди. Айрим тартиббузар ёшларнинг айби билан радио симлари узиб ташланганлиги аниқланди. Ҳозир узилган симлар янгиланяпти.

— Мен самарқандликман, биология куллиётининг биринчи курсида таълим оляпман, — деди М. Муродов. — 2-ётоқхонада тураман. Шартшароитимиз қўнгилдагидек, хоналар иссиқ. Купонни ўз вақтида бериб турибди. Тушлик овқат 50 фоиз арзонлаштирилди, илгари 120 сўм стипендия, 36 сўм овқат пули берилаётганди. Ҳозир стипендия 265 сўм, овқат пули — 130 сўм.

— Ётоқхонамизда тартиб-интизом яхши. Талабалар аҳил, иноқ яшайдилар, — деди 1-курс талабаси Хайрулло Эргашев суҳбатга қўшилиб. — илмгоҳимизга таниқли санъаткорлар, ёзувчилар келиб туришади. Яқинда Халқ артистлари Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Еқуб Аҳмедов билан қизиқарли учрашув бўлди. «Ялла», «Наво» халқ дасталарининг мароқли чиқишларини завқ билан тамоша қилдик.

— Эркин нарх-наво бошлангандан кейин талабаларнинг стипендияларини қайта кўриб чиқиб, уни оширдик, — деди Андижон Давлат муаллимлар илмгоҳининг ректори, профессор А. Қосимов, ҳар бир талабага ойига 130 сўмдан овқат пули беришга қарор қилдик. Ўртача ўқиётган талабаларга — 265, яхши ва аъло баҳолар билан ўқиётган талабаларга — 295, аълочиларга — 330, ота-онасиз талабаларга — 350, кўзи ожиз талабаларга — 397, илмий кенгаш стипендиялари оладиган талабаларга — 380, Ленин стипендияси оладиган талабаларга — 460, Афғонистонда хизмат қилиб келган талабаларга — 350 сўм миқдорида стипендия белгиладик.

Ҳар бир талаба бу ғамхўрликка шукрона келтириб, чуқур илм олишнинг пайида бўлиши керак. Илмгоҳда талабалар онгига ана шу ғоя сингдириляпти.

Тошкент Талабалар шаҳарчасида юз берган нохуш воқеа андижонликларни ҳам ташвишга солди. Улар ҳозирги қийин, мураккаб шароитда одамлар ўртасида тотувлик, ўзаро ишонч, осойишталикни сақлаш учун анча ҳушёр тортдилар. Ўз фарзандларини ёвуз кишиларнинг иғвосига асло ишонмасликка, халқимиз асрлар давомида аҳил яшаб келганлигини ёдда тутишга даъват этмоқдалар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Жиззах районидаги «Жиззах» давлат хўжалиги иссиқхонасида икки гектар майдонга экилган помидор ва бодринг эл дастурхонига тортиқ этилмоқда. Жамоа аъзолари ҳар квадрат метр ердан етти-саккиз килограммдан помидор териб олишяпти.

Суратда: илғор ишчи Ҳанифа Умматова.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ТОШКЕНТДАН ШВЕЙЦАРИЯГА САМОЛЁТ ҚАТНАЙДИ

ЖЕНЕВА, 7 февраль. (РАТА—ТАСС мухбири Сергей Седов). Швейцария Конфедерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида яқин келажакда мунтазам самолёт қатновини очиш йўлида дастлабки қадам қўйилди. Тошкентни бевосита Цюрих ёки Женева билан боғлайдиган янги авиация йўлида яқинда ташкил этилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари хизмат қилиши кўзда тутилмоқда. Швейцариянинг АТС телеграф агентлиги бугун Швейцария фуқаро авиацияси федерал бошқармасидан олинган ана шундай хабарни тарқатди.

Яқинда Давосда бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий анжуманининг йиллик сессияси чоғида швейцариялик манфаатдор шериклар билан амалий алоқалар ўрнатилгандан сўнг фуқаро авиацияси федерал бошқармаси билан Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармасининг бошлиғи Ғ. Рафиқов ўртасида муддаолар тўғрисидаги тегишли протокол имзоланганлиги хабар қилинган. Шундай қилиб, шу йил сентябрь ойида янги авиация йўлини очиш режалаштирилмоқда. Швейцария «Ўзбекистон айруэйз» самолётлари мунтазам қатнайдиган Ғарбий Европадаги биринчи мамлакат бўлади.

Вице-президент Эрнст Эби имзоланган ҳужжатни шарҳлаб айтдики, янги ҳаво йўлида ўзбекистонлик ҳамкасблар хизмат қилишидан Швейцария томони мамнун, чунки «Сиюссэйр» компанияси мазкур авиация йўлини очишни режалаштирмаган эди. Шу билан бир вақтда, деди Швейцария фуқаро авиацияси бошқармасининг раҳбари, техникавий ва иш тартиби билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

АҚШ Ҳарбий-Ҳаво кучларининг С-141 юк самолёти биринчи марта Тошкент аэропортига қўнди. Самолётда Ўзбекистон пойтахтига инсонпарварлик ёрдами — дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналари олиб келинди.

Тошкентда юк ортилган ҳаво кемасини кутиб олишга яхши тайёргарлик кўрдилар. Уни кўп юк ортиладиган автомобиллар, юк туширадиган махсус техника, С-141 самолётидаги юкларни тушириб олиш ҳоҳишини билдирган ёшлар гуруҳи пойлаб турарди.

Юк туширилаётган вақтда учиш майдонида кутилмаганда журналистлар билан учрашув бўлди. АҚШ назорати вакили, Ўзбекистонга келган гуруҳга бошчилик қилаётган Жеймс Лехи биринчи навбатда республиканинг қайси вилоятларига тиббий ускуналар ва дори-дармонлар юбориш кераклигини диққат билан ўрганишаётганини айтди. Уларнинг фикрига қараганда, тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги бир қанча касалхоналар ва бошқа тиббий муассасаларга, жисмоний жиҳатдан заиф болалар тарбияланадиган интернатларга юборилиши керак. Бу АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик муносабатларини ўрнатиш дастурига кўра ташланган дастлабки қадамдир. АҚШ маъмурияти собиқ Совет Иттифоқидаги 11 та республикага инсонпарварлик ёрдами жўнатиш учун 54 та самолётни тайёрлаб қўйди.

Самолёт экипажи командири С. Шери шундай деди:

— Менинг Тошкентга биринчи келишим. Ўйлайманки, яна келаман. Бизни шу қадар самимийлик билан кутиб олганларидан жуда хурсандман.

Ф. НАЗИРОВ,
ЎзА мухбири.

• СПОРТ

ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

● ҚИШКИ олимпиада ўйинлари қизғин ва муросасиз баҳслар билан бойиб бормоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўпланган спортчилар астойдил маҳорат кўрсатиб, совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоаси вакиллари ҳам пешқадамлар сафида бўлишни кўзлашмоқда. Ҳозирча шайбали ҳоккей, фигурали учиш бўйича кўрсатилаётган натижалар қувонарли бўлиб турибди. Жумладан, фигурачиларнинг янгича дастур бўйича чиқишларида М. Мишкутенок билан А. Дмитриев, Е. Бочке билан Д. Петровлар фахрли ўринларни эгаллашди. Хоккейчиларимиз Швейцария жамоасини 8:1 ҳисобида енгиб, Норвегия жамоаси билан ўйинда 10:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

МУҲИМ БОСҚИЧ

● ДУШАНБЕ шаҳрида футбол бўйича анъанавий мавсумолди турнири бошланди. Рустам Дўлтабоев хотирасоврини учун ўтказилаётган бу мусобақа футболчиларни мавсумга ҳозирлик кўришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу сафар 26 жамоа соврин учун курашмоқда. Шунда 22 нафари Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари футбол жамоаларидир.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ—

СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ СИЗГА АҲОЛИГА ФАҚАТ УНИНГ МУАССАСАЛАРИ РЕСПУБЛИКАНИНГ БУТУН ҲУДУДИДА КЎРСАТАДИГАН ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲУРМАТЛИ ОМОНАТЧИЛАР!

Сизни қизиқтирувчи бошқа турдаги хизматларни Ўзбекистон Жамғарма банкининг қуйидаги телефонлари орқали билиб олишингиз ва аниқлашингиз мумкин.

Телефонлар: 45-35-49 ёки 45-66-43.

Шаҳар Жамғарма банкида қуйидаги телефонлари орқали:

33—51—95

33—78—02

БИЛАСИЗМИ, ЖАМҒАРМАНГИЗНИ ФАҚАТГИНА НАҚД ПУЛ БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ

НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМ

КЎПАЙТИРИШИНГИЗ МУМКИН

Бунинг учун ўзингиз ишлаётган корхона, ташкилот ёки жамоа хўжалигининг муҳосиба бўлимига Жамғарма банкида сақланаётган жамғарма счётингизга пул ўтказиш тўғрисида ариза ёзишингиз лозим бўлади.

Сиз жамғармангизга ойлик маошингиздан, нафақангиздан, белгили хизмат муддатини адо этганлиги учун тўланадиган имтиёз пулидан, суғурта пулидан, давлатга сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва воситачи дўконлар орқали сотилган буюмларнинг пулидан маблағ ўтказишингиз мумкин.

Ўзбекистон Жамғарма банки шахсий бюджетингизни тўғри йўлга қўйиш, даромадларингиздан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва вақтингизни тежашда Сизга ёрдам беради, энг асосийси Сизни нақд пул билан боғлиқ бўлган ташвишлардан халос қилади.

ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ

ҲИСОБ ЧЕКИ

ҲИСОБ ЧЕКИ — сизга Ўзбекистон республикасининг ҳамма ҳудудида саноат моллари ва хизматнинг кўп турларига ҳақ тўлашда нақд пул ўрнини босади.

ҲИСОБ ЧЕКИ — шунингдек, йўлда, сафарда ҳам пулингизни сақлашда қулайдир.

Ҳисоб чеки 4 ой давомида ҳақиқий ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

Заём облигациялари Ўзбекистон Жамғарма банки муассасаларида эркин ҳолда сотилади ва сотиб олинади.

Эллик сўмлик облигацияларга чиқадиган ютуқлар 300, 500, 1000, 2500, 5000, 10000 ва 25000 сўм миқдорида белгиланган, бунга унинг ҳақиқий қиймати ҳам киради.

Жамғарма банки Сизнинг истагингизга биноан облигациянгизни сақлаб беришга қабул қилади ва облигациянгизга ютуқ чиққанлиги ҳақида Сизни хабардор қилади.

ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ САҚЛАНИШИГА ДАВЛАТ КАФОЛАТ БЕРАДИ!

ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ЎЗ ВАҚТИНИ ҚАДРЛАГАНЛАР УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ

якка тартибда ва узоқ муддатли топшириққа кўра уй, газ, электр энергияси, телефон, болалар муассасасига, коммунал ва бошқа хизматларга тўлаш учун нақд пулсиз жамғармангиз ҳисобидан олиш йўли билан ҳисоб-китоб қилишни амалга оширади.

Топшириқ варақаларини расмийлаштириш учун бланкаларни Ўзбекистон Жамғарма банкининг истаган бўлимидан олишингиз мумкин.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ—

ЗАМОНАВИЙ КИШИНИНГ ИШ УСЛУБИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ

ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Омонатлар бўйича даромадлар янгича хизмат кўрсатиш ва омонатлар киритилганда биргаликда ўзгартирилади!

Жамғарма банки бу ҳақда Сизни ўз вақтида хабардор қилади.

ЧЕК ДАФТАРЧАСИ

бу фақат қулайлик ва аниқлик бўлибгина қолмай, шу кунда нақд пул ўрнини ҳам босади.

Бу шахсий пул ҳужжати бўлиб, уни Ўзбекистон Жамғарма банкининг қайси муассасасида Сиз талаб қилиб олгунингизгача очилган омонат счётингиз бўлса, шу ерда ёздириб олиш мумкин.

Чек дафтарчаси берилган кундан бошлаб, икки йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади, агар Сиз ундан йиртиб олинадиган чек варақаларининг ҳаммасини ишлатиб улгурмаган бўлсангиз унинг муддати яна қўшимча икки йилга чўзиб берилади.

Чек билан Сиз саноат моллари ва маиший хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари, чек дафтарчасининг эгаси мамлакатнинг хоҳлаган Жамғарма банки муассасасида пул олиши мумкин.

Чек паспорт кўрсатилгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

ЧЕК ДАФТАРЧАСИНИНГ ЭГАСИ

омонатчининг ҳамма имтиёзларидан фойдалана олади; омонатлар билан бажариладиган муомала тартиби ва йиллик 2 фоизлик даромад

САҚЛАНАДИ!

ОЙЛИК ИШ ҲАҚИНИ

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИШ—

СИЗНИНГ МАНФААТИНГИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Сиз иш ҳақингизни ҳоҳишингизга биноан Ўзбекистон Жамғарма банкининг турар жойингиз ёки иш жойингиз бўйича истаган муассасасидаги жамғармангизнинг ҳисоб варақасига ўтказишингиз мумкин.

Сиз ўзингиз учун қулай вақтда омонатда сақланаётган пулингизнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олишингиз мумкин.

БОЛАЛАРНИНГ МАҚСАДЛИ ОМОНАТЛАРИ

БОЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ҲАЕТГА ҚАДАМ ҚЎЙГАНДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ.

Бундай омонатлар 16 ёшгача бўлган болаларга қариндошлик алоқаларидан қатъий назар қабул қилинади.

Омонат 10 йил сақланганда ва бола 16 ёшга тўлгандан сўнг йиллик 9 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Қўшимча пуллар исталган миқдорда нақд пул билан бўлганидек, пул ўтказиш йўли билан ҳам қабул қилинади. Омонатдан қисман пул берилмайди.

Агар Жамғарма банкида сақланаётган омонат 10 йиллик муддат тўлгандан сўнг ва бола 16 ёшга тўлган ёки ундан ошгандан сўнг ҳам сақланаверса ва шунингдек, омонат шу пулни қўйган шахснинг ўзига муддатидан аввал қайтариб берилса, йиллик даромад 2 фоиз ҳисобидан тўланади.

МАҚСАДЛИ ОМОНАТ — БОЛАНИНГ МУСТАҚИЛЛИККА ҚЎЙГАН БИРИНЧИ ҚАДАМИДИР.

Бунда Сиз учун энг яхши ёрдамчи — ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ!

ПУЛЛАРИНГИЗНИ (ССЖИ) ДАВЛАТ ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИДА САҚЛАНГ!

Ўзбекистон Жамғарма банки ҳар йилига 10 фоиздан тўланадиган қимматбаҳо қоғозларни таклиф қилади.

(ССЖИ) Давлат хазина мажбуриятлари 1000, 500, 100 ва 50 сўмлик қийматда 1990 йилдан бошлаб 8 йил муддатга чиқарилган.

Хазина мажбуриятлари бўйича даромад йилига бир марта— январь ойининг биринчи кунидан бошлаб, мажбуриятлар сотиб олинганидан кейинги йилдан, ундаги купонлар бўйича тўланади.

Агар Сизда пулга эҳтиёж сезилиб мажбуриятни сотмоқчи бўлсангиз, Сиз буни Ўзбекистон Жамғарма банкининг хоҳлаган муассасасида бажаришингиз мумкин.

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ ҲАМ ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ БАРЧА БЎЛИМЛАРИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕР!

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367,500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 29.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.